

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2023 йил июнь ойининг 8 куни жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Б.Ш.Ахмедов, судья ёрдамчиси Ш.Мамаражабовнинг котиблигида, тарафлардан Нарпай туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Ш.Нуриддинов, жабрланувчи ХХХ, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси Нарпай тумани “Сардор ҳимоячи” адвокатлик бюроси адвокати Н.Тошматовнинг иштирокида, судланувчи ХХХга оид 1-1409-2301/■-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХ 1999 йил 17 июль куни Нарпай туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, оилали, 1 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Нарпай тумани “Манғит” маҳалла фуқаролар йиғини Меҳиржон қишлоғи ■-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 2 май куни олган, соғлом,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни;

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи ХХХ 2023 йил 29 март куни соат 09:00да фуқаро ХХХга тегишли бўлган “Нексия-1” русумли 30 N ... ЕА давлат белгили автотранспорт воситасини бошқариб, Нарпай туман “Тева” МФЙ ҳудудидан ўтувчи М-37 автомагистрал йўли Самарқанд-Бухоро йўналишининг 98 км.да қайрилиб олиш мумкин бўлмаган жойдан қайрилиб олиб, орқа томонга ҳаракатланиб, амалда бўлган йўл ҳаракати қоидаларининг 63-бандидаги “Транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришида ҳайдовчи йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаши ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳалақит бермаслиги шарт” ва 77-бандидаги “Ҳайдовчи йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариш керак. Тезлик ҳайдовчига Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак.



Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган талабларга риоя қилмасдан, автомашинани етарли ҳафвсиз даражада бошқариш ва хавф юзага келганда тўхтатиш чораларини кўрмасдан, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, шу йўлдан ҳаракатланиб келаётган пиёда ХХХни автомашинанинг орқа қисми билан уриб юбориб тўқнашув содир қилган. Натижада ХХХнинг қўлида бўлган 2020 йилда туғилган фарзанди ХХХ “оғир ҳаёт учун хавфли бўлган тан жароҳати” олишига сабабчи бўлган.

Каттакўрғон шаҳар суд тиббий экспертиза бўлинмасининг 2023 йил 18 апрель кунндаги ■■■-сонли хулосасига кўра, фуқаро ХХХнинг танасида, яъни бош миянинг чайқалиши, энса суягининг синиши каби тан жароҳатлар аниқланган бўлиб, улар ўтмас қаттиқ жисимлар таъсирида етказилганлиги, ушбу жароҳатлари “оғир ҳаёт учун хавфли бўлган тан жароҳатлари” гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи ХХХ суд мажлисида берган кўргазмасида, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб, у 2023 йил 29 март куни соат тахминан 07:30 ларда ўз яшаш уйида ўтирган вақтида бир маҳаллада истиқомат қилиб келадиган таниши Ином унга кўнғироқ қилиб ушбу куни яшаш хонадонидан ифтор қилишини, “Мирбозор бозори”дан бозорлик қилиб, ушбу бозорликни уйига олиб бориб қўйишини унга айтганлигини, шундан сўнг у ўзига тегишли “Нексия-1” русумли 30 N ... ЕА давлат белгили автомашинани бир ўзи яшаш уйдан чиқиб, Нарпай тумани “Мирбозор бозори”га бориб, таниши Иномнинг бозорликларни автомашинасига юклаб, бир ўзи таниши Иномнинг яшаш уйига, яъни “Тепа” маҳалласига йўлга чиққанлигини, у ушбу маҳаллага кириш йўлига етмасдан автомашиналар қайрилиб олиши учун тақиқланган жойдан қайрилиб олиб, автомашинаси билан ушбу маҳалланинг кириш йўлигача бўлган жойга қарама-қарши ҳаракатланмаслик мақсадида бошқарувидаги автомашинани тахминан 10 метр орқа томонга ён ойналарига қараб ҳаракатланаётган вақтида тақиллаган овоз келганлиги, у овозни эшитиб автомашинани тўхтатиб орқа томонга қараганида бир нотаниш аёл киши кейинчалик танигани ХХХ ерда ётганини, унинг ёнида ёш бола борлигини кўрганлиги, у уларни автомашинасига миндириб, Нарпай туман тиббиёт бирлашмасига олиб борганлиги, тиббиёт бирлашмасида шифокорлар ХХХнинг фарзандига керакли дори-дармонларни айтганидан сўнг у ушбу керакли дори-дармонларни олиб берганлигини, жабрланувчи талаб қилаётган 15 млн. сўмни ҳозирда бера олмаслигини, қилмишидан чин кўнгилдан



пушаймонлигини, қилмишини оқибатини англаб етганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи ХХХ суд терговда айбига иқрорлик билдириб кўрсатув берганидан ташқари, унинг айби жиноят иши бўйича сўроқ қилинган жабрланувчи ва иш ҳужжатларида мавжуд суд терговда таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, яъни:

- судда сўралган жабрланувчи ХХХнинг 2023 йил 29 март куни соат тахминан 08:30 ларда ўз яшаш уйидан фарзандлари ХХХ ва ХХХларни Нарпай тумани “Тепа” маҳалласида жойлашган “Аббосжон” номли хусусий болалар боғчасига қўйиб келиш учун йўлга чиққанлиги, ушбу болалар боғчаси уларнинг яшаш уйидан М-37 автомагистрал йўлининг нариги томонида жойлашганлиги сабабли ушбу М-37 автомагистрал йўлидан ўғли ХХХни қўлида кўтариб қизи ХХХнинг қўлидан ушлаб ушбу йўлнинг нариги томонига ҳаракатланиб йўлнинг чет қисмига ўтганидан сўнг унга нимадур келиб урилганлиги, аммо автомашина эканини дастлаб билмаганлигини, шунда у ерга йиқилгандан сўнг орқасига қараганида “Нексия” русумли 30 N ... ЕА давлат белгили автомашина орқа томонга ҳаракатланиб келиб уни уриб юборганини билганлиги, у йиқилган вақтида уни қўлида бўлган ўғли ХХХ қўлидан учиб чиқиб кетиб ерга тушганлиги, қизи ХХХ эса қўлидан чиқиб кетганлиги, у қизини қаерда эканини билиш учун баланд овозда бақирганлиги, шунда ушбу “Нексия” русумли автомашина ҳайдовчиси ХХХ қизини қўлидан ушлаб турганини кўрганлиги, шундан сўнг у ўғли ХХХни ердан олганлиги, ХХХ автомашинасида уларни Нарпай туман тиббиёт бирлашмасига олиб борганлиги, шундан сўнг у ўғлини шифохонада даволатганлиги, врачлар унга кейинчалик ҳам асорати бўлиши мумкинлигини айтишганлиги, унга етказилган 15 млн. сўм моддий зарарни судланувчидан ундириб беришни, судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни сўраганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

- шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фото-жадвал, Самарқанд вилояти ИИБ ЭКБнинг 2023 йил 13 апрель кунги 528-сонли судга оид автотехника экспертизаси хулосаси, Каттакўрғон шаҳар суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг ■-сонли эксперт хулосаси, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, юқоридаги дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган судланувчи ХХХнинг айбини тасдиқловчи далилларни мақбул далиллар деб эътироф этди.

Суд, судланувчи ХХХнинг эҳтиётсизлик натижасида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги оқибатида жабрланувчининг ўртача



оғирликдаги тан жароҳати олишига сабаб бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХнинг айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг ҳолатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июнь кунги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандидаги “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг даъвоси борлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан унга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш қўшимча жазоси тайинлашни ва унга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Суд, жабрланувчи ХХХга содир этилган йўл транспорт ҳодисаси оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи ХХХдан ундириш бўйича асосли ҳужжатлар тўплаб, умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Судланувчи XXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижросини назорат қилиш Нарпай туман ИИБ зиммасига юклатилсин ва жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоларининг ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Судланувчи XXXга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи XXXга содир этилган йўл транспорт ходисаси оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи XXXдан ундириш бўйича асосли ҳужжатлар тўплаб, умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи	(имзо)	Б.Ш.Ахмедов
Нусхаси аслига тўғри		
Раислик қилувчи		Б.Ш.Ахмедов

